

# Самимий қутловлар

**Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари, ишбилармон ва академик доиралар вакилларидан самимий қутловлар келиб турибди. Уларда давлатимиз раҳбарига баҳт-саодат ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-омонлик, доимий равнақ ҳамда фаровонлик каби эзгу истаклар изҳор этилган.**

Америка Кўшма Штатлари Президенти Барак Обаманинг мактубида шундай дейилади:

## **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Президент Жаноби Олийлари!

1 сентябрда нишонланадиган Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан Америка Кўшма Штатлари халқи номидан Сизга ва Ўзбекистон халқига қизғин табрикларимни йўллайман.

Мамлакатингиз бу тарихий санани байрам қилаётган шу кунларда биз Ўзбекистон мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини доимо қўллаб-қувватлашимизни яна бир бор таъкидлаймиз. Америка Кўшма Штатлари 1991 йилнинг 25 декабря биринчилардан бўлиб Ўзбекистон мустақиллигини тан олган пайтдан бошлаб мамлакатларимиз ўртасида мустаҳкам шериклик муносабатлари ўрнатилган. Мамлакатларимизнинг янада хавфсиз, фаровон ва демократик келажак йўлидаги ҳамкорлиги узоқ йиллар давом этишига ишонаман.

Америка Кўшма Штатлари халқи Сизни мустақил Ўзбекистон тарихидаги ушбу муҳим сана билан муборакбод этади.

**Эҳтиром билан,**

**Барак Обама,  
Америка Кўшма Штатлари  
Президенти**

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин йўллаган мактубда шундай қайд этилади:

## **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Президент Жаноби Олийлари!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан Хитой халқи ва шахсан ўзим номимдан Сиз ва дўст Ўзбекистон халқига самимий табрикларим ва қизғин тилакларимни изҳор этаман.

Мустақилликнинг 25 или давомида жаноб Президент раҳнамолигида Ўзбекистонда сиёсий барқарорлик ва жадал иқтисодий тараққиёт сақланиб, мамлакатнинг халқаро нуфузи салмоқли даражада юксалди, давлат қурилиши соҳасида ёрқин муваффақиятларга эришилмоқда. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, жаноб Президент томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «ўзбек модели» мамлакатдаги реал воқеликларга мос келади ва улкан ҳаётий кучга эгадир.

Сўнгги йилларда Хитой – Ўзбекистон муносабатларида яхши ривожланиш тенденциялари сақланиб турибди ва янги стратегик даражага эришилди. Хитой ва Ўзбекистон алоқалари ривожланиб бораётгани ва ўртамиздаги самимий дўстликни юксак қадрлайман. Хитой – Ўзбекистон муносабатларида юксак самараларга эришиш ва халқларимиз фаровонлиги йўлида кенг кўламли стратегик шерикликни изчил ривожлантириш учун Сиз билан доимо барча саъй-ҳаракатларни

қилишга тайёрман.

Мамлакатингизга равнақ ва юксак салоҳият, халқингизга баҳт-саодат ва фаровонлик тилайман. Президент Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам соғлик ва ишларингизда муваффақият тилаб қоламан.

**Си Цзиньпин,  
Хитой Халқ Республикаси  
Раиси**



Шунингдек, қуидагилар ўз табрикларини йўллашган:

Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти – **Йоахим Гаук**

Польша Республикаси Президенти – **Анджей Дуда**

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти – **Халифа бин Зоид Ол Наҳаён**

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими – **Мұхаммад бин Рошид Ол Мактум**

Абу-Даби Валиаҳди, Бирлашган Араб Амирликлари Қуролли кучлари бош қўмондони ўринбосари – **Мұхаммад бин Зоид Ол Наҳаён**

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти – **Абдулазиз Бутефлика**

Туркманистон Президенти – **Гурбангули Бердимұхамедов**

Тожикистон Республикаси Президенти – **Имомали Раҳмон**

Озарбайжон Республикаси Президенти – **Илҳом Алиев**

Беларусь Республикаси Президенти – **Александр Лукашенко**

Украина Президенти – **Пётр Порошенко**

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти – **Мұхаммад Ашраф Ғани**

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси – Ижрочи котиби – **Сергей Лебедев**

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби – **Толиб Рифаи**

Энергетика хартияси бош котиби – **Урбан Руснак**

Америка – Ўзбекистон савдо палатаси раиси – **Кэролин Лэмм,**

Америка – Ўзбекистон савдо палатаси президенти – **Стивен Надерни**

“МАКСАМ” компаниясининг президенти ва ижрочи директори – **Хосе Фернандо Санчес-Хунко**

«Хуавей Текнолоджиз Ко.Лтд» компанияси президенти – **Жэн Чжэнфэй**

“НЭК Корпорейшн” компанияси президенти – **Нобухиро Эндо**

Япония тиббий ускуналар соҳасида ташқи техник қўмак бўйича ташкилоти раиси (ОМЕТА) – **Кенъичи Мацумото**

Германия – Ўзбекистон ишбилармонлар кенгashi ижрочи директори, “Дойче Кабель АГ Ташкент” қўшма корхонаси инвестори – **Фальк Порше**

“Пиканол” компанияси бош ижрочи директори – **Люк Так**

“Туркистон – Америка ассоциацияси” раиси – **Абдулла Ҳўжа**

АҚШ ва Канада Бухоро яхудийлари конгресси президенти – **Борис Кандов**

Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг ректори – **Виктор Гришин**

Марказий Осиё бўйича Кембриж форуми раиси – **Сиддхарт Саксена**

Конрад Аденauer номидаги жамғарманинг Марказий Осиё бўйича минтақавий ваколатли вакили – **Томас Кунце**

Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикасидаги делегацияси раҳбари – **Юрий Штерк**

Қутловлар келиши давом этмоқда.

**манба:uza.uz**